

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ

781 Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси ва унинг тизимидаги таркибий
бўлинмалар ҳамда республика ва ҳудудий архитектура-шаҳар-
созлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПФ–5030-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2936-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси тўғрисида низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низом 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари тўғрисида намунавий низом 6-иловага мувофиқ;

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлим (бошқарма)лари тўғрисида намунавий низом 7-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармаси тўғрисида намунавий низом ҳамда унинг намунавий тузилмаси 8 ва 8а-иловаларга мувофиқ;

Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияси тўғрисида намунавий низом 9-иловага мувофиқ;

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази тўғрисида намунавий низом ҳамда унинг намунавий тузилмаси 10 ва 10а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари тўғрисидаги;

Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги;

Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари тўғрисидаги;

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 11-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 август,
571-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг (кейинги ўринларда Давархитектқурилиш деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқларини ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Давархитектқурилиш шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

3. Давархитектқурилишнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика маркази, Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази, Шаҳарсозлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш маркази, шунингдек Давархитектқурилишнинг ташкилий тузилмасига кирадиган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда Давархитектқурилиш тизимига кирувчи ташкилотлар деб аталади) Давархитектқурилишнинг ягона тизимини ташкил этади.

4. Давархитектқурилиш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Давархитектқурилиш ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, хорижий ва халқаро ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

6. Давархитектқурилишнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ва норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Давархитектқурилиш юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида ҳисоб рақамларига эга бўлади.

2-боб. Давархитектқурилишнинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Давархитектқурилишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош режалар асосида аҳоли пунктларини комплекс қуриш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва давлат стандартларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан тизимли давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш, бу-

юртмачилар томонидан техник назорат ва лойиҳа ташкилотлари томонидан муаллифлик назорати ўтказилишини текшириш;

республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош тарҳини, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тарҳларини ҳамда туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкиллаштириш, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва давлат шаҳарсозлик кадастри амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар олиб бориш соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб бориш, юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қурилиш нормалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, лойиҳалаштириш, қурилиш, қурилиш индустрияси, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш;

лойиҳа иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва замонавий талабларга мос келадиган ҳудудий тармоқларни кенгайтириш, яқка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган ва экспериментал лойиҳаларни ҳамда лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, муаллифлик назоратининг роли ва масъулиятини ошириш, шаҳарсозлик, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш;

меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш қийматини пасайтириш ва ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни қурилиш соҳасига жорий этиш, Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини юритиш;

бозор ислохотлари жараёнларини чуқурлаштириш, ҳамма жойда рақобатли нарх белгилаш механизмларини татбиқ этиш, корпоратив нормалар ва нарх белгилашнинг ролини ошириш, лойиҳалаш ва қурилишнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш;

капитал қурилишда давлат харид тизимини такомиллаштириш, танлов савдолари ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш;

конун ҳужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш учун лицензиялаш;

архитектура, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида тизимли асосда малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, республиканинг ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан ошириш, қурилиш соҳасидаги лойиҳачилар ва мутахассисларнинг малакасини доимий асосда ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш.

9. Давархитектқурилиш ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош режалар асосида аҳоли пунктларини комплекс қуриш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш ва қўллашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва давлат стандартларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан тизимли давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш, буюртмачилар томонидан техник назорат ва лойиҳа ташкилотлари томонидан муаллифлик назорати ўтказилишини текшириш соҳасида:

бош режалар асосида аҳоли пунктларини комплекс қуриш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш ва қўллашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва давлат стандартларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назоратини амалга оширишга доир ишини текширади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, қурилиш материаллари ва буюмлари сифатининг давлат стандартларига, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилишига риоя этилиши юзасидан давлат назоратни амалга оширади;

қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатномалар беради;

давлат стандартлари ва техник шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, қурилиш материаллари ҳамда буюмлари ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ва қўлланилишини, норматив талаблар ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимлари чидамлилик, пухталиқ хусусиятлари пасайишига сабаб бўлган даражада бузилганда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг авария хавфи бўлган, объектлар ўзбошимчалиқ билан қурилган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб туришни таъминлайди. Тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш ва қўллаш, қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маъмурий баён-

номаларни тузади ва йўл қўйилган коида бузилишларида айбдор бўлган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун материалларни судга беради;

қурилиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатлари инсон соғлиғи ва ҳаётига зиён етказилишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабар беради;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда қоидалар бузилган ҳолда топширилган объектларни статистика ҳисоботидан чиқариш тўғрисида статистика органларига тақдимнома киритади;

шаҳарсозлик қонунчилиги, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва давлат стандартлари бузилганлиги аниқланган ҳолларда уларни бартараф этиш тўғрисида шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари масалалари бўйича буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади;

б) республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош тарҳини, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тарҳларини ҳамда туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкиллаштириш, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва давлат шаҳарсозлик кадастри амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш соҳасида:

шаҳарлар, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ва Тошкент шаҳрининг, вилоят марказларини ва маданий мерос объекти аҳамиятига эга бўлган шаҳарларнинг марказий қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди, тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига тегишли бўлган шаҳарларнинг бош режалари бундан мустасно;

турар жой, жамоат бинолари ва бошқа биноларнинг такрор қўлланиладиган, намунавий ва тажриба лойиҳалари ишлаб чиқилишини белгиланган тартибда ташкил этади ва тасдиқлайди;

техник муҳандислик изланишлари соҳасида ягона сиёсатни амалга оширади, капитал қурилиш учун комплекс муҳандислик изланишлари давлат фондини шакллантиради ва юритади;

шаҳарсозлик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари, ҳудудларнинг ривожланишини режалаштириш ва қуриш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияларини бажаради;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан мониторингни ва Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритади;

в) шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш соҳасида:

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлайди;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қатнашади;

шаҳарсозлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилашда қатнашади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича республика мақсадли дастурлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлимларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош тарҳи ишлаб чиқилишини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гуруҳлари) ҳудудини режалаштириш тарҳлари ва умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

ўз ваколати доирасида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

г) шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар олиб бориш соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб бориш, юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологияларини ва инновация лойиҳаларини татбиқ этиш соҳасида:

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар олиб бориш соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб боради;

юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этади;

пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва унинг мониторингини олиб боради;

шаҳарсозлик ва капитал қурилишда илмий-техника тараққиёти муаммоларини мақбул тарзда ҳал этиш учун илмий-техника ва техник кенгашлар фаолиятини ташкил этади;

капитал қурилишда ислохотларни чуқурлаштиради ҳамда пудрат ишлари бозорини ривожлантиради;

лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилотларининг рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини жорий этади;

д) шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қурилиш нормалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, лойиҳалаштириш, қурилиш, қурилиш индустрияси, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш соҳасида:

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди, белгиланган тартибда уларнинг ишлаб чиқилиши бўйича буюртмачи функцияларини бажаради;

қурилиш индустрияси ташкилотлари ва инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини, шунингдек қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантиради;

капитал қурилиш соҳасидаги норматив базанинг бозор муносабатларини жорий этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини тизимли равишда ташкил этади;

қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг давлат фондиди шакллантиришда иштирок этади;

ўз ваколати доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

е) лойиҳалаш иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий талабларга мос келадиган ҳудудий тармоқларни кенгайтириш, якка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган ва экспериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, муаллифлик нозратининг роли ва масъулиятини ошириш, шаҳарсозлик, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасини ўтказиш соҳасида:

лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида янги концепцияларни яратади;

лойиҳалаш ишини ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштиради;

лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширади;

замонавий талабларга мос келадиган ҳудудий тармоқларни кенгайтира-

ди, якка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган ва экспериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этади;

лойиҳа ташкилотларининг лицензия талаб ва шартларига риоя қилинганлиги, моддий-техника базаси ва тегишли мутахассислар билан таъминланганлиги, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш даражасини ўрғанади;

зарур ҳолатларда, ўрганиш натижаси юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

шаҳарсозлик ҳужжатлари бажарилиши бўйича муаллифлик назоратининг роли ва масъулиятини ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

шаҳарсозлик, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасини ўтказиши;

ж) меҳнат унумдорлиги оширилишини, қурилиш қиймати пасайтирилишини, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни қурилиш соҳасига жорий этиш, Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини юритиш соҳасида:

қурилиш соҳасида янги техника, технология ва механизмларни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширади;

манфаатдор вазирликлар билан биргаликда марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар қурилишида нархларнинг сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаган ҳолда уларнинг шакллантирилиши юзасидан доимий назорат ўрнатади;

қурилиш қиймати пасайтирилишини, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни қурилиш соҳасига жорий этади;

қурилиш-монтаж ишлари технологияларини қўллаш масалалари бўйича хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади ва уларда қатнашади;

Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини юритади;

з) бозор ислоҳотлари жараёнларини чуқурлаштириш, ҳамма жойда рақобатли нарх белгилаш механизмларини татбиқ этиш, корпоратив нормалар ва нарх белгилашнинг ролини ошириш, лойиҳалаш ва қурилишнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш соҳасида:

бозор ислоҳотлари жараёнларини чуқурлаштириш, ҳамма жойда рақобатли нарх белгилаш механизмларини татбиқ этади;

қурилиш қийматини аниқлаш усулларини ишлаб чиқади, моддий-техника ресурслари сарфининг смета-норматив базасини ва норматив кўрсаткичларини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

капитал қурилишда шартномавий жорий нархлар ва тарифларни шакллантириш бўйича методологик кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

қурилишнинг техник даражаси ва индустриялаштирилишини ошириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, ресурсларни тежаш, мате-

риаллар ва меҳнат сарфини камайтириш, капитал қурилишда ишларнинг сифатини яхшилаш ишларини ташкил этишда қатнашади;

корпоратив нормалар ва нарх белгилашнинг ролини оширади;

лойиҳалаш ва қурилишнинг смета-норматив базасини такомиллаштиради;

и) капитал қурилишда давлат харид тизимини такомиллаштириш, танлов савдолари ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш соҳасида:

капитал қурилишда давлат харид тизимини такомиллаштиради;

намунавий танлов ҳужжатларини ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этади;

танлов ҳужжатларини ишлаб чиқади ва уларни экспертизадан ўтказиши;

танлов савдоларини ташкил этади ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилади;

танлов савдолари натижаларига кўра тузилган буюртмачи ҳисоботларини келишади;

пудрат шартномаларида мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб боради;

танлов савдолари натижалари бўйича объектлар қурилишининг жорий нархлардаги шартномавий қийматини шакллантиради;

к) архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ва қурилиш фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш соҳасида:

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда шаҳарсозлик фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилиши тўғрисидаги ахборот билан тўлдириб бориладиган марказлаштирилган маълумотлар базасини ташкил этади;

л) архитектура, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида тизимли асосда малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, республиканинг итисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан ошириш, қурилиш соҳасидаги лойиҳачилар ва мутахассисларнинг доимий асосда малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш соҳасида:

архитектура, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида тизимли асосда малакали кадрлар тайёрлашни таъминлайди;

архитектура ва шаҳарсозлик йўналишидаги таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

таркибидаги олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ўқув жараёнининг амалий машғулотларини ташкил этишда ҳамкорлик қилади;

шаҳарсозлик фаолиятининг ривожланиш тенденцияларини ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда янги йўналишлар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашда ўқув-услубий ҳужжатлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатади, шунингдек малака талабларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади;

ўқув жараёнларида шаҳарсозлик фаолияти бўйича, шу жумладан етакчи хорижий таълим муассасаларининг мутахассисларини ва экспертларни жалб этган ҳолда таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар сифат таркибини ошириш, соҳага кириб келаётган замонавий техника ва технологияларни инobatга олган ҳолда қисқа муддатли малака ошириш курсларининг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда бевосита иштирок этади;

таркибидаги олий таълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллежларига талабалар қабул қилиш квоталари бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига таклифлар киритади. Бунда қурилиш соҳасига оид мутахассисликларга бўлган талабни ўрғанади, шунингдек янги замонавий мутахассисликлар бўйича таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига шаҳарсозлик фаолияти соҳасида, таркибидаги олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларининг иқтидорли талабалари ва ўқувчилари учун Давархитектқурилишнинг стипендияларини белгилайди;

касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида қурувчилик касблари бўйича республика миқёсида касб маҳорати кўрик-танловларини, замонавий ҳамда миллий архитектура лойиҳалари муаллифлари танловларини ташкил қилади ва ғолибларни рағбатлантиради;

таркибидаги олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида дарс бериш ва маҳорат дарслари ўтказиш учун республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли педагог-мутахассисларини таклиф қилади;

талабаларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган қурилиш объектларида кўчма дарслар ташкил этади;

таркибидаги олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари битирувчи курс талабаларининг тайёр кадр сифатида етишиб чиқишини таъминлаш ҳамда амалиёт дарслари самарадорлигини ошириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ базаси сифатида лойиҳалаштириш институтлари ва қурилиш ташкилотларига жойлаштиришга кўмаклашади, уларга тажрибали мутахассисларни бириктиради ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўради;

таркибидаги олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида етакчи лойиҳа ташкилотлари, йирик қурилиш ташкилотлари ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги бошқа ташкилотларнинг тажрибали мутахассислари маърузаларини ташкил этади;

касб-хунар коллежлари битирувчиларининг якуний давлат аттестация-

сида иштирок этади, касбий амалий имтиҳонларни замонавий қурилиш ташкилотлари базасида ўтказишни ташкил этади;

қурилиш соҳасидаги лойиҳачилар ва мутахассисларнинг доимий асосда малакасини оширади ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этади.

Давархитектқурилиш қонунчилиқка мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

10. Давархитектқурилиш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзининг тизимидаги таркибий ва ҳудудий бўлинмалари орқали ҳал қилади.

3-боб. Давархитектқурилишнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Давархитектқурилиш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалиқ бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ва хўжалиқ юритувчи субъектлардан ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида капитал қурилишдаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида энг муҳим муаммоларни аниқлаш ва кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссиялар ва кенгашлар ташкил этиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги энг яхши илмий-техник ишланмаларни ҳамда ҳудудларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини танлаш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссиялари ташкил этиш;

капитал қурилиш соҳасида товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича ишлаб чиқилган танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар учун ўтказиладиган танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартиботларига риоя этилишини назорат қилиш;

молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишда танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачиларнинг ҳисоботларини келишиш;

молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга ошириладиган қурилиш объектлари бўйича танлов савдолари ва тузилган шартномалар шартларининг буюртмачилар ва пудратчилар томонидан бажарилиши мониторингини ўтказиш;

текширувни амалга ошириш жараёнида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш бўйича, зарурият бўлса, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этиш мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун

хужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиш, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида халқаро шартномалар тузиш.

Давархитектқурилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Давархитектқурилиш ўз ваколати доирасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Давархитектқурилиш зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни чиқаришга ҳақлидир.

13. Давархитектқурилиш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Давархитектқурилиш фаолиятини ташкил этиш

14. Давархитектқурилишга Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис раҳбарлик қилади.

Давархитектқурилиш раисининг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ўринбосарлари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

15. Давархитектқурилиш раиси:

Давархитектқурилиш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Давархитектқурилишга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўзининг ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Давархитектқурилиш тизимидаги раҳбарларнинг ваколатлари ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Давархитектқурилишнинг марказий аппарати штат жадвалини тасдиқлайди;

Давархитектқурилиш ва унинг тизимига кирувчи ташкилотлар тузилмаларига чекланган умумий штатлар сони доирасида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

ўз ваколати доирасида Давархитектқурилиш тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар, шунингдек шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилади;

Давархитектқурилиш тизимига кирувчи ташкилотлар тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларида, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Давархитектқурилиш номидан вакиллик қилади;

Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти проректорларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, уларнинг ректорларини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

ўз ваколати доирасида ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

16. Давархитектқурилишда раис (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек Давархитектқурилиш фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи бошқарма бошлиқларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Давархитектқурилиш раисининг тақдими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

17. Ҳайъат:

ушбу Низомда белгиланган Давархитектқурилиш фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Давархитектқурилишнинг марказий аппарати ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Давархитектқурилиш номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида, Ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш учун ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда Давархитектқурилиш раҳбарлари ва ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Ҳайъат Давархитектқурилиш ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳайъат мажлисига Давархитектқурилиш ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари Давархитектқурилишнинг қарорлари ва раиснинг буйруқлари билан амалга оширилади.

Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

18. Давархитектқурилишда шахарсозлик ва капитал қурилишда илмий-техника тараққиёти муаммоларини мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини кўриб

чиқиш ва излаш учун илмий-техника кенгаши ва техник кенгаши тузилади. Илмий-техник кенгашга ва техник кенгашга Давархитектқурилиш раисининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади. Кенгашларнинг таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар Давархитектқурилиш раиси томонидан тасдиқланади.

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар мутахассислари илмий-техника кенгаш ва техник кенгашда ишлашга жамоатчилик асосида жалб қилиниши мумкин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш Давархитектқурилиш раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари Давархитектқурилишнинг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда берилган тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш Давархитектқурилиш раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бўлимларининг бошлиқлари Давархитектқурилиш раисининг буйруғи билан, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқларининг тақдимиға биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Давархитектқурилиш тизимиға кирувчи ташкилотлар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги буйруқни Давархитектқурилиш раиси қабул қилади.

20. Давархитектқурилиш тизимиға кирувчи ташкилотлар ўз фаолиятини Давархитектқурилиш раиси томонидан тасдиқланган низом (устав)ларга мувофиқ амалга оширадilar.

21. Давархитектқурилишнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқарма (бўлим)лари таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

22. Давархитектқурилиш марказий аппаратининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг штат жадвали ва харажатлар сметаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Давархитектқурилиш тизимиға кирувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штат жадваллари Давархитектқурилиш билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

23. Давархитектқурилиш ходимларини моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давархитектқурилишда Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Жамғарма маблағлари бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари ҳамда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари даромадларидан 10 фоиз ажратмалар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давархитектқурилиш ҳайъатининг қарори билан тасдиқланади.

5-боб. Яқунловчи қоида

24. Давархитектқурилишни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

Кенгаш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек лойиҳа-қидирув ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, унинг қисмлари, шу жумладан аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлараро ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиял орган ҳисобланади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПФ–5030-сон Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган таркибда ўз фаолиятини юритади.

4. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради ва ўз ишини Кенгаш раиси томонидан тасдиқланган иш режаси асосида олиб боради.

2-боб. Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

шаҳарсозлик ва архитектуруни янада ривожлантириш концепциялари ва дастурларини шакллантириш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш ишларини ташкил этиш;

шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва архитектура комплексларининг бош режалари лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш, уларнинг амалга оширилиши, архитектура-режалаштириш ҳужжатларига, муҳим шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, давлат стандартларга риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

илмий асосланган ҳолда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш ва қуриш, замонавий талабларни, миллий архитектура-маданий анъаналарни, шаҳар ҳудудларидан самарали фойдаланиш, табиий муҳитга зиён етказмайдиган муносабатда бўлишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш тузилмасини уйғун ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳоли пунктларининг ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмасини комплекс янгилаш, замонавий шаҳар марказларини шакллантириш, эски турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатидан оширишни ҳамда тарихий-архитектура мероси объектлари сақлаб қолинишини назарда тутган ҳолда эски шаҳар туманларини реконструкция қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

6. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

шаҳарсозлик ва архитектуруни янада ривожлантириш концепциялари шакллантирилишини, кўриб чиқирилишини ва амалга оширилишини ташкил этади.

шаҳарсозлик ва архитектура соҳасида комплекс давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади, уларни муҳокама қилиш ва келишиш ишларини ташкил этади ҳамда уларнинг амалга оширилишига қўмаклашади;

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг шаҳарсозликка оид қисмларини кўриб чиқади ва келишади;

шаҳарлар, шаҳар посёлкаларининг ва архитектура комплексларининг бош режалари лойиҳаларини кўриб чиқади, келишади ҳамда тасдиқлаш учун тавсия этади;

белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига, шу

жумладан шаҳарлар ва туманлар марказларининг бош режаларига асосланган ўзгартиришлар киритилишига розилик беради;

алоҳида ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларида ва мақсадли дастурларда кўзда тутилган турар жой ва ижтимоий-фуқаролик мақсадларида фойдаланиладиган объектларни тасдиқланган бош режаларга эга бўлмаган шаҳарларда, туман марказларида жойлаштиришга ва қуришга розилик беради;

шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва архитектура комплексларининг бош режалари лойиҳалари амалга оширилишида архитектура-режалаштириш ҳужжатларига, шунингдек муҳим шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, давлат стандартларга риоя этилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, комплекс равишда қуриш, ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини таъминлаш бўйича аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларининг асосий қоидалари бажарилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ҳамда вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳини ҳамда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳларини, умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни тасдиқлаш, амалиётга татбиқ этиш юзасидан таклифлар ва тавсияларни ваколатли органларга киритади;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида, шу жумладан табиий ва сув объектлари зоналарини, рекреацион, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, табиий ва техноген хусусиятли фавқулудда вазиятларнинг таъсирига учраган, фойдали қазилмалар жойлашган ва бошқа ҳудудларнинг чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолияти тартиботини ўрнатиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан тавсиялар қабул қилади;

минтақаларда экологик вазиятни яхшилаш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, маданий мерос объектлари ҳудудларини сақлаш, умумдавлат аҳамиятига молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш ишларини ташкил этади;

ҳудудни ривожлантиришга доир лойиҳа ечимларини кўриб чиқади;

аҳоли пунктларининг ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, комплекс қуриш ва янгилаш, замонавий шаҳар марказларини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

эски турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатидан оширишни ва тарихий-архитектура мероси объектлари сақлаб қолинишини назарда

тутган ҳолда эски шаҳар туманларини ва қисмларини реконструкция қилиш бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига тавсиялар киритади.

3-боб. Кенгашнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Кенгаш қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ишчи гуруҳлар тузиш ва уларда ишлаш учун тегишли мутахассисларни жалб этиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Кенгаш фаолиятига доир ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш соҳасида олиб борилган ишларни ўрганиш, шунингдек уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Кенгаш ушбу Низом ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

9. Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари раислик қилади ва унинг ваколатига қўйидагилар киради:

Кенгаш мажлисининг кун тартибини белгилаш ва мажлисни чақириш;

Кенгаш томонидан тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини назорат қилиш;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Кенгашга юкланган вазифаларни бажариш бўйича Кенгаш аъзоларининг фаолиятини назорат қилиш;

Кенгаш аъзолари зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Кенгаш аъзоларининг шахсий таркибини ўзгартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш.

10. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

шаҳарсозликнинг долзарб масалалари бўйича Кенгашга таклифлар киритадилар;

Кенгашда муҳокама қилинадиган масалалар бўйича хулосалар берадилар.

Кенгаш аъзолари Кенгашдаги ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

11. Кенгаш мажлисининг ўтказилиш вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида Кенгаш аъзолари мажлис ўтказиш кунидан камида уч кун олдин хабардор қилинади.

12. Кенгаш мажлисини унинг раиси олиб боради. Кенгаш раиси бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари бошқаради.

Кенгаш, агар мажлисда унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

13. Кенгаш мажлисига унда кўриб чиқиладиган масалаларнинг аҳамиятига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, лойиҳа-қидирув ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

5-боб. Кенгашнинг ишчи органи ва котиби

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

15. Ишчи орган:

Кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

навбатдаги давр учун Кенгашнинг иш режаси лойиҳасини тайёрлайди, Кенгаш муҳокамасига киритади ва тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Кенгашнинг мажлисига зарур бўлган материалларнинг тайёрланишини таъминлайди ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материаллар ва эксперт хулосаларини олади;

Кенгаш мажлиси кун тартиби масаласи бўйича тахлилий материаллар тайёрланишини ва мажлис ўтказилишини ташкил этади;

тушган мурожаатларни кўриб чиқади ҳамда Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди.

16. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлисига зарур бўлган ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, Кенгаш мажлисига материаллар тайёрлаш бўйича ишчи органнинг ишини ташкил этади;

Кенгаш раиси билан мажлис ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар рўйхатини келишади, Кенгаш аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

кун тартибидаги масалалар бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил қилади, Кенгаш мажлиси баёнларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баёнларнинг Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборилишини ташкил этади;

Кенгаш қарорлари ижроси мониторингини олиб боради ва унинг натижасини кўриб чиқиш учун Кенгаш мажлисига тақдим этади.

6-боб. Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

17. Кенгаш қарори Кенгаш мажлисида қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга.

18. Кенгаш раиси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Кенгашнинг алоҳида масалалар бўйича Кенгаш аъзолари билан келишилган қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

19. Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлиси баёни билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлиси баёни ишчи орган раҳбари ва Кенгаш котиби томонидан имзоланади, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Кенгаш аъзоларига ҳамда манфаатдор ташкилотларга юборилади.

20. Кенгаш баёнининг асл нусхаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментида сақланади.

21. Кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча вазирликлар, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

22. Кенгашнинг ишчи органи ва котиби Кенгаш қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда ўрганадилар ва кўриб чиқадилар, зарурият бўлганда Кенгаш раисига тегишли ахборотлар ва таклифлар киритадилар.

Кенгаш қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳолатини ваколати доирасида ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

23. Кенгашнинг иш тартиби унинг Регламентида белгиланади. Регламент Кенгаш томонидан қабул қилинади.

7-боб. Яқунловчи қоида

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш
қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва
қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий
архитектура-шаҳарсозлик кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Кенгаш Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг (кейинги ўринларда ҳудудий архитектура органлари деб аталади) архитектура, шаҳарсозлик ва ҳудудларни ривожлантириш масалалари бўйича коллегиял органи ҳисобланади ҳамда шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини келишиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг касбий асосланганлиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлайди.

4. Кенгашнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сон Фармонининг 1а-иловасига мувофиқ шакллантирилади.

5. Кенгаш ўз фаолиятида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ҳисобот беради ва ўз ишини Кенгаш раиси томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ, бепул асосда амалга оширади.

2-боб. Кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тархларини ҳамда туманлар (туман гуруҳлари) ни режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда ўз тасарруфидаги

худудларда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро худудларни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш тўғрисида давлат бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифларини кўриб чиқиш;

бош режаларни, батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш, шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли худудларда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича вилоят, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш.

7. Кенгаш ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз худудда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудини режалаштириш тарҳлари, туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларни кўриб чиқади, келишади ва тасдиқлаш учун ваколатли органлари томонидан тасдиқлашга тавсия қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг шаҳарсозликка оид қисмларини, шаҳарсозлик ва архитектурани янада ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилишида иштирок этади, уларни кўриб чиқади ва маъқуллайди, уларнинг амалга оширилишида бевосита иштирок этади;

Кенгаш белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига, шу жумладан шаҳарлар ва туманлар марказларининг бош режаларига асосланган ўзгартиришлар киритилишига ўз ваколати доирасида розилик беради, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ваколатига кирувчи масалалар юзасидан эса таклифлар киритади;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа ҳужжатларини минтақаларда экологик вазиятни яхшилаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатидан оширишни ва тарихий-архитектура мероси объектларини сақлаб қолиш нуқтаи-назаридан келиб чиқиб кўриб чиқади, маъқуллайди ёки қайта ишлаш учун тавсия беради;

аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро худудларни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш тўғрисида, шу жумладан архитектура ва шаҳарсозлик комплекслари, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш соҳасида давлат бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифларини кўриб чиқади ҳамда асосланган таклифлар бўйича ваколатли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига тавсиялар киритади;

бош режалар, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳар-

созлик хужжатлари асосида аҳоли пунктларини куриш ва қисмларини реконструкция қилиш, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ва янгилаш бўйича таклифларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига киритади;

замонавий шаҳар марказларини шакллантириш, эски турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатидан оширишни ва тарихий-архитектура мероси объектлари сақлаб қолинишини назарда тутган ҳолда эски шаҳар туманларини ва қисмларини реконструкция қилиш бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига тавсиялар киритади;

худудий аҳамиятга молик алоҳида, шу жумладан табиий ва сув объектлари зоналарини, рекреацион, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги, табиий ва техноген хусусиятли фавқулудда вазиятларнинг таъсирига учраган, фойдали қазилмалар жойлашган ва бошқа худудларнинг чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар худудларида шаҳарсозлик фаолияти тартиботини ўрнатиш бўйича хужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан тавсиялар қабул қилади.

3-боб. Кенгашнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш ва уларда ишлаш учун мутахассисларни жалб этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ва ташкилотлардан Кенгаш фаолиятига доир хужжатларни сўраб олиш;

шаҳарсозлик хужжатларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эга.

Кенгаш қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Кенгаш ушбу Низом ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар билан ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

10. Кенгашга худудий архитектура органи раҳбари раислик қилади ва унинг ваколатига қўйидагилар киради:

Кенгаш аъзоларининг шахсий таркибини тасдиқлаш;

Кенгаш мажлисининг кун тартибини белгилаш ва мажлисни чақириш;

Кенгаш томонидан тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Кенгаш аъзоларининг зиммасига юкланган вазифаларини бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Худудий архитектура органи раҳбарининг биринчи ўринбосари — бош архитектор Кенгаш раисининг ўринбосари ҳисобланади.

11. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

шаҳарсозлик соҳасидаги долзарб масалалари бўйича Кенгашга таклифлар киритадилар;

Кенгаш муҳокама қиладиган масалалар бўйича хулосалар берадилар.

Кенгаш аъзолари Кенгашдаги ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

12. Кенгаш мажлислари ҳар ҳафтада бир маротаба ўтказилади. Кенгаш мажлисини ўтказиш вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида Кенгаш аъзолари мажлисни ўтказиш кунидан камида уч кун олдин хабардор қилинади.

13. Кенгаш мажлисини унинг раиси олиб боради. Кенгаш раиси бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари бошқаради.

Кенгаш мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади. Мажлисни ўтказиш учун кворум бўлмаганда Кенгаш янги мажлис ўтказиш санасини эълон қилади.

14. Кенгаш мажлисига унда кўриб чиқиладиган масалаларнинг аҳамиятига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, лойиҳа-қидирув ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

5-боб. Кенгашнинг ишчи органи ва котиби

15. Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари Кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

Ишчи орган:

Кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

навбатдаги давр учун Кенгашнинг иш режаси лойиҳасини тайёрлайди, Кенгаш муҳокамасига киритади ва тасдиқланган иш режасининг бажарилишини таъминлайди;

Кенгашнинг мажлисига зарур бўлган материалларнинг тайёрланишини таъминлайди ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материалларни олади;

кун тартиби масаласи бўйича Кенгаш мажлиси ўтказилишини ташкил этади.

16. Кенгашнинг масъул котиби вазифасини бажариш худудий архитектура органининг Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб

чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўлими бошлиғи зиммасига юкланади ва унинг ваколатига қўйидагилар қиради:

Кенгаш мажлисига зарур бўлган ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш, Кенгаш мажлисига материаллар тайёрлаш бўйича ишчи органнинг ишини ташкил этиш;

Кенгаш раиси билан мажлис ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар рўйхатини келишиш, Кенгаш аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилиш;

кун тартибидаги масалалар бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил қилиш, Кенгаш мажлиси баёнларини расмийлаштириш ва тасдиқланган баёнларнинг Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборилишини ташкил этиш;

Кенгаш қарорлари ижроси мониторингини олиб бориш ва унинг натижасини кўриб чиқиш учун Кенгаш мажлисига киритиш.

6-боб. Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

17. Кенгаш қарори Кенгаш мажлисида қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга.

18. Кенгаш аъзоси йиғилишда иштирок этмаган бўлса лойиҳа (лойиҳалар) Кенгаш аъзоси вакили бўлган ташкилот билан келишилган деб ҳисобланади (узрли сабабларга кўра ҳолатлар бундан мустасно). Бундай ҳолатларда ушбу ташкилот ваколатидаги масалалар бўйича масъулият вакили иштирок этмаган ташкилотга юкланади.

19. Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлиси баёни билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлиси баёни Кенгаш котиби томонидан имзоланади, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда Кенгаш аъзоларига ҳамда манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Баёнда кўриб чиқилган лойиҳа (масала)ни, асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда, келишиш, келишишни рад этиш ёки уни қайта ишлаш учун қайтариш тўғрисида аниқ хулоса акс эттирилган бўлиши лозим.

Кенгаш аъзолари муҳокама этилган лойиҳа (масала) хусусида баёнга ўзининг алоҳида фикрини киритишга ҳақли.

Кенгаш баёнининг асл нусхаси ҳудудий архитектура органида 5 йил давомида сақланади.

Кенгаш баёни (баёндан кўчирма) йўқолган ёки бузилган ҳолатларда лойиҳа ташкилотнинг мурожаатига кўра уч кун муддатда унга баён нусхаси (дубликати) берилади.

20. Кенгашнинг лойиҳани келишиш тўғрисидаги ижобий қарори (баё-

ни) лойиҳа (шаҳарсозлик) ҳужжатларининг кейинги босқичларини лойиҳалаш ва лойиҳаларни давлат экспертизасига тақдим этиш учун асос бўлади.

21. Кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча вазирликлар, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

22. Кенгаш қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳолатини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

23. Кенгашнинг иш тартиби унинг Регламентида белгиланади. Регламент Кенгаш томонидан қабул қилинади.

7-боб. Яқунловчи қоида

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси марказий аппаратининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2-боб. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

3. Инспекциянинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:
аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаларига қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилишини, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, давлат стандартларга сўзсиз риоя этиш, қурилиш-монтаж ишларининг бажари-

лиши, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб борилиши юзасидан мониторинг ўтказади.

4. Инспекция ўзига юкланган асосий вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаларига қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, давлат стандартларга риоя этишлари юзасидан давлат назоратни амалга оширади;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб борилиши юзасидан мониторинг ўтказади;

Архитектура-қурилиш назорати ҳудудий давлат инспекциялари томонидан ҳар чоракда бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботларни умумлаштиради ва мониторингини олиб боради;

Архитектура-қурилиш назорати ҳудудий давлат инспекцияларининг инспекторларини қонунчиликда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиши ва уларнинг натижаларига кўра сертификатлар беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қурилиш объектларининг мураккаблик (хавфлилик) даражасига кўра, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш жараёнида текширишлар ўтказиши;

Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини шакллантиради ва ҳар йили янгиланадиган ягона электрон маълумотлар базасини юритади.

3-боб. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

5. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча қурилишларда, шу жумладан, яққа тартибдаги уй-жой қурилиш объектларида рухсат берилган ҳужжатлар мавжудлиги ва шаҳарсозлик норма ҳамда қоида талабларига риоя этилаётганлиги борасида, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия билан келишмаган ҳолда, ҳеч бир тўсиқларсиз қисқа муддатли (субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) инспекторлик текширувлари ўтказиши;

текширувни амалга ошириш жараёнида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш бўйича, зарурият бўлса, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажариши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериши;

лойиҳа-пудрат ташкилотлари ва буюртмачи ташкилотлардан қўлланади-

ган қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ҳамда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш учун зарур бўлган лойиҳа, технологик, ижро ҳужжатларини ва бошқа материалларни олиш;

давлат стандартлари ва техник шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, қурилиш материаллари ҳамда буюмлари ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ва қўлланилишини, норматив талаблар ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимлари чидамлилиқ, пухталиқ хусусиятлари пасайишига сабаб бўлган даражада бузилганда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг авария хавфи бўлган, объектлар ўзбошимчалиқ билан қурилган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб туради. Тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш ва қўллаш, қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар тузади ва йўл қўйилган қоида бузилишларида айбдор бўлган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун материалларни судга беради;

қурилиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатлари инсон соғлиғи ва ҳаётига зиён етказилишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабар беради;

буюртмачилар, пудратчилар ва лойиҳа ташкилотига шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузаётган (уларнинг буйруқлари билан тайинланган) мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимномалар киритади;

6. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

4-боб. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

7. Инспекцияни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг ўринбосари — Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси бошлиғи бошқаради.

Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси бошлиғи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

8. Инспекция бошлиғининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

9. Инспекция бошлиғи:

Инспекция зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

қурилиш ишлари сифати юзасидан тизимли мониторинг ва назоратни, шунингдек ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини ташкил этади;

Архитектура-қурилиш назорати ҳудудий давлат инспекцияларининг фаолиятини ташкил этади, шу жумладан:

Архитектура-қурилиш назорати ҳудудий давлат инспекциялари раҳбарларининг лавозим йўриқномаларини ва функционал вазифаларини тасдиқлайди;

Архитектура-қурилиш назорати ҳудудий давлат инспекцияларнинг штат жадваллари ва харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

Инспекция бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

5-боб. Яқунловчи қоида

10. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.

3. Жамғарма юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилиб, жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

газначилигида очиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг махсус бюджетдан ташқари ҳисоб рақамида тўпланади.

2-боб. Жамғарманинг мақсади ва асосий вазифалари

4. Ушбу Низомда белгиланган манбалар ҳисобидан маблағлари ва даромадларини тўplash ва уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда Давархитектқурилиш деб аталади) таркибидаги таълим муассасаларини ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашга, ўқув жараёнларига ўқитишнинг илғор шакллари ва услубларини, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга, профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар ва талабалар учун малака ошириш ва халқаро тажриба алмашинувини ташкил қилишга, иқтидорли талабаларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтириш Жамғармани ташкил этилишининг мақсади ҳисобланади.

5. Маблағлар тўпланишини таъминлаш ва қўйидагиларни молиялаштириш Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш;
- ўқув жараёнларига ўқитишнинг илғор шакллари ва услубларни, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш;
- профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлари ва талабалари учун халқаро тажриба алмашинувини ташкил қилиш;
- иқтидорли талабаларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тажриба оширишга юбориш;
- таълим муассасаларининг илмий-техник ва моддий базасини ривожлантириш;
- хорижий таълим муассасалари ва соҳа институтларининг етакчи мутахассисларини, ишлаб чиқариш соҳасидаги тажрибали мутахассисларни дарс беришга жалб этиш;
- иқтидорли талабалар учун махсус стипендиялар таъсис этиш;
- таълим муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

3-боб. Жамғармани бошқариш

6. Жамғармани бошқариш Давархитектқурилишнинг ҳайъати томонидан ташкил этиладиган Жамғарма кенгаши томонидан амалга оширилади.

7. Қўйидагилар Жамғарма кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Жамғарманинг кейинги йил учун даромадлар ва харажатлар сметасини ҳар йили 25 декабрга қадар тасдиқлаш;
- чорак якуни бўйича Жамғарма маблағларининг тушуми ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

Жамғармани қўллаб-қувватлаш ва унга хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш Давархитектқурилишнинг Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва Жамғармани бошқариш бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Бўлим Жамғарма маблағлари шаклланиши ва сарфланиши мониторингини юритади. Бўлим фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бўлим ходимларига Давархитектқурилишнинг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби татбиқ этилади.

9. Қуйидагилар бўлимнинг вазифалари ҳисобланади:

Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тайёрлаш;

Жамғарма маблағлари тушумларини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

сўровларни умумлаштириш ҳамда уларни Жамғарма кенгашида кўриб чиқиш учун киритиш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланишни жорий назорат қилиш, ҳисобини юритиш ва мониторингини олиб бориш;

Жамғарманинг ажратилган маблағларидан мақсадли фойдаланилишини жойларда ўрганиш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар чоракда камида бир марта Жамғарма кенгашига тақдим этиш.

10. Жамғарма маблағларининг ҳисоб ва ҳисоботини юритиш ҳамда жорий хизмат кўрсатиш ишлари Давархитектқурилишнинг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

11. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

ташкилий-ҳуқуқий мулкчилик шаклидан қатъи назар, лойиҳа-қидирув ташкилотларининг бажарилаётган лойиҳа-қидирув ишлари ҳажмининг 0,1 фоиз миқдоридagi мажбурий ажратмалари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солинган жарималардан тушган маблағлар (суд харажатлари чиқариб ташланган ҳолда);

юрidik ва жисмоний шахсларининг ихтиёрий ҳомийлик хайриялари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳамда бегараз ёрдами ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар.

12. Жамғармага мажбурий ажратмалар лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ҳисобот оғи учун кейинги оғнинг 10-кунидан кечиктирмай ўтказилади.

13. Жамғармага ажратмаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун масъулият Давархитектқурилиш тизимига кирувчи ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юкланади.

14. Жамғарманинг ўтган йилда ишлатилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва жорий йилда ушбу Низомда кўрсатилган мақсадлар учун сарфланади.

5-боб. Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

15. Жамғарма маблағлари Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланган Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш;

ўқув бинолари ва талабалар яшаш жойларининг моддий ҳолатини яхшилаш, шу жумладан зарур ҳолатларда, уларни қисман жорий таъмирлашни амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

таълим муассасаларида ижтимоий, тарбиявий, психологик ва бошқа ўқув-услугий, илмий лойиҳалар ҳамда тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига биноан ўтказиладиган спорт-соғломлаштириш ишлари ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

16. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда (йил чораклари, манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича) тузилади ҳамда Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланади.

17. Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланган ҳолда, Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

18. Жамғарма маблағларининг тақсимловчиси Жамғарма кенгаши томонидан белгиланади.

6-боб. Ҳисоб, ҳисобот ва назорат

19. Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботи Давархитектқурилишнинг бюджетдан ташқари маблағларидан бўлак ҳолда алоҳида юритилади.

20. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Давархитектқурилишнинг ҳайъати йиғилишида кўриб чиқилади ҳамда ҳар йили 15 мартгача Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланади.

21. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

7-боб. Яқунловчи қоида

22. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
6-ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқларини ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Бош бошқарма республикада архитектура ва шаҳарсозликни бошқариш органларининг ягона тизимидаги ҳудудий бўғин (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) ҳисобланади, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига (кейинги ўринларда Давархитектқурилиш деб аталади) бўйсунди ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳисобот беради.

3. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга, шунингдек Қўмитанинг буйруқлари ва қарорларига амал қилади.

4. Бош бошқарма ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

5. Бош бошқарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи туширилган муҳр ва

бланкаларга, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ҳазначилик бошқармаларида ҳисоб рақамларига эга бўлади.

2-боб. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади: шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкиллаштириш;

ўз ваколати доирасида шаҳарсозлик ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш мониторингини ва давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узок ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб бориш, юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этиш;

бозор ислохотлари жараёнларини чуқурлаштириш, ҳамма жойда рақобатли нарх белгилаш механизмларини татбиқ этиш;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини янада шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;

шаҳарсозлик, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш;

архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва мутахассисларнинг малакасини доимий асосда ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш.

7. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши юзасидан назорат олиб бориш соҳасида:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормала-

ри ва қоидаларига, қурилиш материаллари ва буюмлари сифатининг давлат стандартларига, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши юзасидан давлат назорати амалга оширилишини таъминлайди;

бош режалар асосида аҳоли пунктларини комплекс қуриш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш ва қўллашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва давлат стандартларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назорати амалга оширилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузади ва йўл қўйилган қоида бузилишларида айбдор бўлган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун материалларни судга беради;

қурилиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатларининг инсон соғлиғи ва ҳаётига зиён етказишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабар беради;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва давлат стандартлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда уларни бартараф этиш тўғрисида шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан доимий мониторинг олиб боради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тарҳларини ҳамда туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкиллаштириш соҳасида:

ҳудудларнинг ривожланишини режалаштириш ва қуриш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияларини бажаради;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гуруҳлари) ҳудудини режалаштириш тарҳлари ҳамда туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш ишларини ташкил этади;

умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

аҳоли пунктларининг бош режаларида ва батафсил режалаштириш лойиҳаларида кўзда тутилмаган объектларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чикувчилар (муаллиф) билан келишиш ишларини олиб боради;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида шаҳарсозлик фаолияти объектлари, бино-иншоотлар, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектлари қурилишини ёки реконструкциясини, шунингдек ҳудудларни ободонлаштиришни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини (АРТ-1 ва АРТ-2) ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва қурувчи — шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачиларга тақдим этади;

в) ўз ваколати доирасида шаҳарсозлик ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш мониторинги ва давлат шаҳарсозлик кадастрини олиб бориш соҳасида:

шаҳарсозлик ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан мониторингни олиб боради;

Давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишида иштирок этади;

ер ажратиш ва иморат қуришга оид, шунингдек ер ости муҳандислик коммуникациялари жойлашиши навбатчи режаларини юритади;

ер участкаларини ажратиш, лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини сақлашга доир ягона техник архивни ташкил этади;

г) шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш соҳасида:

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қатнашади;

ўз ваколатига қирувчи масалалар бўйича ҳудудий мақсадли дастурлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлимларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

Давархитектқурилиш билан келишган ҳолда қурилиш қоидаларини ишлаб чиқади;

шаҳарсозлик фаолияти, инвестиция жараёнини бошқариш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини такомиллаштириш, янги техника ва қурилиш-монтаж ишларига замонавий технологияларни қўллаш масалалари бўйича хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда вилоятдаги корхона ва ташкилотларга яқиндан ёрдам

беради, хорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда кўмаклашади;

д) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан таклифлар киритиш соҳасида:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш юзасидан таклифлар киритади;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида қурилиш объектларини жойлаштириш, барча турдаги қурилиш объектлари учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида маҳаллий давлат органларининг қарорлари асосида ажратилган ер майдонларини натурада белгилаш ва чегаралаш ишларини амалга оширади;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида ҳудудлардаги ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органига таклифлар киритади;

маданий мерос объектларининг муҳофаза ҳудудларини аниқлаш чоратадбирларини белгилайди;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини мувофиқлаштиради ва унинг мониторингини олиб боради, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Давархитектқурилишга тақдим этади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органига шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараларини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

е) шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб бориш, юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этиш соҳасида:

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб боришда иштирок этади;

юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишда иштирок этади;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалари тасдиқланишига розилик беради;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун қурилиш паспортини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачиларга тақдим этади;

ж) бозор ислохотлари жараёнларини чуқурлаштириш, ҳамма жойда рақобатли нарх белгилаш механизмларини татбиқ этиш соҳасида:

манфаатдор вазирликлар билан биргаликда марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар қурилишида нархларнинг сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаган ҳолда уларнинг шакллантирилиши юзасидан доимий назорат ўрнатади;

қурилиш қиймати пасайтирилишини, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни қурилиш соҳасига жорий этади;

қурилишнинг техник даражаси ва индустриялаштирилишини ошириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, ресурсларни тежаш, материаллар ва меҳнат сарфини камайтириш, капитал қурилишда ишларнинг сифатини яхшилаш ишларини ташкил этишда қатнашади;

з) лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш соҳасида:

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва объектлар қурилиши бўйича пудратчиларнинг рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини жорий этишда иштирок этади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар фаолияти самарадорлигини оширади;

капитал қурилишда ислохотларни чуқурлаштиради ҳамда пудрат ишлари бозорини ривожлантиради;

қурилиш индустрияси корхоналари ва инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини, шунингдек қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантиради;

қурилиш соҳасида янги техника, технология ва механизмларни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширади;

и) шаҳарсозлик, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш соҳасида:

шаҳарсозлик, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминлайди;

танлов савдоларини ташкил этишда ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилганлиги назорат қилинишини таъминлайди;

пудрат шартномаларидаги мажбуриятлар бажарилиши мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

танлов савдолари натижалари бўйича объектлар қурилишининг жорий нархлардаги шартномавий қиймати шакллантирилишини таъминлайди;

к) архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва мутахассисларнинг малакасини мунтазам ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш соҳасида:

соҳага кириб келаётган замонавий техника ва технологияларни инобат-

га олган ҳолда қисқа муддатли малака ошириш курсларининг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда бевосита иштирок этади;

олий таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежларига талабалар қабул қилиш квоталари бўйича белгиланган тартибда Давархитектқурилиш-га таклифлар киритади. Бунда қурилиш соҳасига оид мутахассисликларга бўлган талабни ўрганади;

талабаларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган қурилиш объектларида кўчма дарслар ташкил этишда кўмаклашади;

олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари талабаларининг ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ базаси сифатида уларни лойиҳалаштириш институтлари ва қурилиш ташкилотларига жойлаштиришга кўмаклашади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар мутахассисларининг малакасини мунтазам оширади ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этади.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бош бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ва хўжалик юритувчи субъектлардан ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида капитал қурилишдаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун шартнома асосида ташкилотларни, олим ва мутахассисларни, шу жумладан чет эл олимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида муҳим муаммоларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссиялар ва кенгашлар ташкил этиш;

шаҳарсозлик, экологик талабларга ва архитектура органлари томонидан берилган архитектура-режалаштириш топшириқларига (АРТ-1 ва АРТ-2) жавоб бермайдиган лойиҳаларга розилик беришни рад этиш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш объектлари бўйича танлов савдолари ва тузилган шартномалар шартларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачи-

лар ва объектлар қурилиши бўйича пудратчилар томонидан бажарилиши мониторингини ўтказиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида энг яхши лойиҳанинг илмий-техник ишланмаларини ҳамда ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини танлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, манфаатдор ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмаси билан биргаликда белгиланган тартибда лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун танловлар ўтказиш ва танлов комиссияларини ташкил этиш;

ўз фаолиятида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро ижодий ҳамкорликни амалга ошириш;

Давархитектқурилишга шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузган ҳолда ишлаётган шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг қурилиш соҳасидаги ҳамда архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолияти ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида таклифлар киритиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш

10. Бош бошқармага Давархитектқурилишнинг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда берилган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Бош бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари тегишли равишда бош архитектор ҳисобланади.

Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг бошлиғи Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари ҳисобланади.

Бош бошқарма бошлиғи лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик Кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

Бош бошқарма ҳузурида доимий идоралараро орган — Ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) тузилади.

Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширади.

Кенгашнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПФ–5030-сон Фармонининг 1а-иловасига мувофиқ шакллантирилади.

Бош бошқарма таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Бош бошқарманинг штат жадвали ва харажатлар сметаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади.

11. Бош бошқарма бошлиғи:

Бош бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Бош бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бош бошқарма таркибига кирувчи давлат экспертизаси ҳудудий бошқармаси, давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияси ҳамда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази фаолиятини мувофиқлаштиради ва унга бевосита раҳбарлик қилади;

Ўзининг ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бош бошқарманинг ва Архитектура-режалаштириш бюросининг штат жадвалини ва смета харажатларини тасдиқлайди;

Ўз ваколати доирасида Бош бошқарма тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради;

Бош бошқарма ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидаларига, лавозимлар йўриқномаси талабларига ҳамда хизматга оид ҳужжатлар билан ишлаш тартибига риоя қилишини таъминлайди;

давлат органларида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларда ва судда, бошқа ташкилотларда Бош бошқарма номидан вакиллик қилади ва Бош бошқарма манфаатини ҳимоя қилади;

Бош бошқарма ходимларини ишга қабул қилади ва улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади.

Бош бошқарманинг мулкани бошқаради;

Бош бошқарма таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоб-китоби ва статистика ҳисоботи ташкил қилинишига жавоб беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

12. Бош бошқарма таркибига қуйидагилар киради:

Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармаси;

Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияси;

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази;

шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари;

туманлар архитектура ва қурилиш бўлимлари;

Бош бошқарма ҳузуридаги Архитектура-режалаштириш бюроси.

13. Бош бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бўлимларининг бошлиқлари Давархитект-қурилиш раисининг буйруғи билан, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. Яқунловчи қоида

14. Бош бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
7-ИЛОВА

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлим (бошқарма)лари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимига кирувчи туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси)нинг (кейинги ўринларда Архитектура бўлими деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқларини ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Архитектура бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг буйруқлари ва қарорларига ҳамда ушбу Низомга, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг буйруқларига амал қилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Архитектура бўлимлари бўлади, улар ўз фаолиятида бевосита тегишлилиги бўйича Бош бошқармаларга бўйсундилар.

2-боб. Архитектура бўлимининг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар Архитектура бўлимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

туман ҳудудини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини ташкил этиш;

ўз ваколати доирасида шаҳарсозлик ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш мониторингини олиб бориш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этиш;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш.

5. Архитектура бўлими ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши юзасидан назорат олиб бориш соҳасида:

бош режалар асосида аҳоли пунктларини комплекс қуриш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва давлат стандартларига риоя этилишини назорат қилади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатномалар тузади;

йўл қўйилган қонунчилик ва қоида бузилиши ҳолатларида айбдор бўлган шахсларга нисбатан чора кўриш учун маҳаллий давлат органларига ва Бош бошқармага материалларни киритади;

қонунчилик ва қоида бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;

б) туман ҳудудини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини ташкил этиш соҳасида:

аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритади;

аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳарсозлик хужжатларини амалга ошириш чораларини кўради;

тегишли ҳудудда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

в) ўз ваколати доирасида шаҳарсозлик хужжатларини амалиётга татбиқ этиш мониторингини олиб боради;

шаҳарсозлик хужжатларининг амалга оширилиши юзасидан мониторингини олиб боради;

давлат шаҳарсозлик кадастри маълумотларини Бош бошқармага киритади;

ер ажратиш ва шаҳарсозлик объектлари қурилишига оид, шунингдек ер ости муҳандислик коммуникациялари жойлашиши навбатчи режаларини юритади;

г) шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш соҳасида:

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалиётга татбиқ этиш юзасидан таклифлар тайёрланишида қатнашади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳудудий дастурларни, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлимларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

тегишли ҳудудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотларни жамлашда кўмаклашади ва бевосита иштирок этади;

аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

д) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан таклифлар киритиш соҳасида:

тасдиқланган шаҳарсозлик хужжатлари асосида туман (шаҳар) ҳудудида ерлардан самарали фойдаланиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органига таклифлар киритади;

барча турдаги қурилиш объектлари учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ажратилган ер майдонларини натурада белгилаш ва чегаралаш ишларини ташкил этади;

е) шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида юқори самарали

ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этиш соҳасида:

юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этишда иштирок этади;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

ж) лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш соҳасида:

лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилотларининг рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини жорий этишда иштирок этади;

лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишда кўмаклашади;

қурилиш индустрияси корхоналари ва инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини, шунингдек қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантиришда қатнашади;

қурилиш соҳасида янги техника, технология ва механизмларни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширади.

Архитектура бўлими қонунчиликка мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Архитектура бўлимининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Архитектура бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

туман (шаҳар) ҳокимининг шаҳарсозлик масалалари бўйича қарорлари лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

ўзбошимчалик билан иморат қуришда, шаҳарсозлик интизомини, қурилиш ва архитектура соҳасидаги амалда бўлган қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахсларни ҳамда ҳудудларида мазкур ҳуқуқ бузилишларини содир этган ташкилотлар ва корхоналар раҳбарларини белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмаси ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда, белгиланган тартибда лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун танловлар ўтказиш.

Архитектура бўлими қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

7. Архитектура бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Архитектура бўлимининг фаолиятини ташкил этиш

8. Архитектура бўлими бошлиғи туман (шаҳар) бош архитектори ҳисобланади ҳамда бўлимга раҳбарлик қилади.

Архитектура бўлими бошлиғини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг буйруғи билан, тегишли равишда Бош бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

Эгаллаб турган лавозимига қўра Архитектура бўлими бошлиғи Бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши аъзоси ҳисобланади.

9. Архитектура бўлимининг ходимларини ишга қабул қилиш ва улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш Бош бошқарма бошлиғи томонидан амалга оширилади.

10. Архитектура бўлими бошлиғи:

мазкур Низомга мувофиқ бўлимга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бўлим ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан озод этиш юзасидан Бош бошқарма раҳбарига таклиф киритади;

фаолият ва алоҳида йўналишлар бўйича бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг жавобгарлик даражасини белгилайди;

барча ташкилотларда бўлим фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича бўлим номидан вакиллик қилади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини, шу жумладан алоҳида бинолар ва иншоотлар қурилиши учун лойиҳаларни ишлаб чиқишда муаллиф сифатида иштирок этади;

қурилиши (қайта қурилиши) тугалланган шаҳарсозлик объектларини фойдаланишга қабул қилишда белгиланган тартибда қатнашади.

11. Архитектура бўлими ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

12. Архитектура бўлимининг фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Бош бошқарма томонидан амалга оширилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

13. Архитектура бўлимини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
8-ИЛОВА

Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармаси тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармасининг (кейинги ўринларда Ҳудудий бошқарма деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқларини ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Ҳудудий бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг (кейинги ўринларда Давархитектқурилиш деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади, ўз фаолиятида Давархитектқурилишга, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига бўйсунди ва ҳисобот беради.

3. Ҳудудий бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда Давархитектқурилишнинг қарорлари ва буйруқларига амал қилади.

4. Ҳудудий бошқарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

2-боб. Ҳудудий бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қўйидагилар Ҳудудий бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади: марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган шаҳарсозлик ҳужжатларининг, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига объектлар қурилишининг техник-иқтисодий асосларини ва техник-иқтисодий ҳисобларининг мустаҳкамликка, ёнғин ва портлаш хавфсизлиги ҳамда шаҳарсозлик, ижтимоий, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши, ёқилғи-энергетика, хом ашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилиши, лойиҳа ечимларининг амалдаги нормативлар ва стандартларга мувофиқлиги юзасидан белгиланган тартибда давлат экспертизаси ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш; архитектура-режалаштириш ва шаҳарсозлик ечимлари даражасини ошириш;

лойиҳалаштириш ишларини ва қурилиш ишлаб чиқаришини такомил-

лаштириш ҳамда лойиҳалаштириш ва шаҳарсозлик соҳасидаги илғор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги шаҳарсозлик ҳужжатларига оид келишмовчиликларни кўриб чиқиш.

6. Ҳудудий бошқарма ўзига юкланган вазифалар доирасида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

мулкчилик шаклларидаги молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, техник-иқтисодий асосларни ва техник-иқтисодий ҳисобларни, корхоналар, бинолар, иншоотлар, муҳандислик тармоқлари ва йўл қурилиши объектларини қуриш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга доир лойиҳалаштириш ҳужжатларини, қишлоқ аҳоли яшаш жойлари ва шаҳар типидagi аҳоли яшаш жойларининг лойиҳалаштириш-режалаштириш ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказиш;

экспертиза натижаларини умумлаштиради, улар тўғрисида Давархитект-қурилишнинг Лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бошқармасини хабардор қилади, шаҳарсозлик ҳужжатларини ва экспертизани такомиллаштириш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар томонидан ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатлари юзасидан хулосалар беради;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачиларга шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда (қайта ишлаб чиқишда), уларни экспертизадан ўтказишда ҳамда инвестиция фаолиятининг техник ва иқтисодий масалалари бўйича маслаҳатлар беришда шартнома асосида хизматлар кўрсатади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги шаҳарсозлик ҳужжатларига оид келишмовчиликларни кўриб чиқади.

3-боб. Ҳудудий бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Ҳудудий бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экспертизасини ўтказиш учун манфаатдор ташкилотларни, олий таълим массаларини, шунингдек олимлар ва мутахассисларни (штатдан ташқари экспертларни) шартнома асосида жалб этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун шаҳарсозлик ҳужжатларини қайта ишлашга юбориш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан давлат экспертизасини ўтказишга доир қўшимча ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

зарур ҳолатларда, ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатларини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўйган ташкилотларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқи учун берилган лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида Давархитектқурилишга таклифлар киритиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича қурилиш нормалари ва қоидаларига, йўриқномалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши мониторингини олиб бориш.

8. Ҳудудий бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Ҳудудий бошқарма фаолиятини ташкил этиш

9. Ҳудудий бошқармага Давархитектқурилиш раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Ҳудудий бошқарма бошлиғи давлат бош эксперти ҳисобланади.

10. Ҳудудий бошқарма бошлиғи:

Ҳудудий бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади ва Ҳудудий бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Давархитектқурилиш билан келишилган ҳолда штат жадвалларини тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқаради;

Ҳудудий бошқарма ходимларини ишга қабул қилади ва улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади;

белгиланган тартибда Ҳудудий бошқарма маблағлари ва мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар тузади, банкларда ҳисоб рақамлар очади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

11. Ҳудудий бошқарма фаолиятини молиялаштириш Ҳудудий бошқарманинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.


12. Ҳудудий бошқарма ҳар ойда Давархитектқурилишнинг ҳисоб рақамига ўз даромадларининг 10 фоизи миқдорида маблағ ўтказиши.

5-боб. Яқунловчи қоида

13. Ҳудудий бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
8а-ИЛОВА

**Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармасининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 9, шу жумладан бошқарув ходимлари — 3, эксперт-мутахассислар — 6.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
9-ИЛОВА

**Давлат архитектура-қурилиш назорати
ҳудудий инспекцияси тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг (кейинги ўринларда Ҳудудий инспекция деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқларини ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Ҳудудий инспекция Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг (кейинги ўринларда Давархитектқурилиш деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади, ўз фаолиятида Давархитектқурилишга, шунингдек тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига ҳисобот беради ва бўйсунди.

3. Ҳудудий инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда Дав-архитектқурилишнинг буйруқлари ва қарорларига амал қилади.

4. Худудий инспекция юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзил-ган муҳрга, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

2-боб. Худудий инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Худудий инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобла-нади:

аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режала-рига қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилишини, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳар-созлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига сўзсиз риоя этишлари, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқа-рилиши ва қўлланилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачининг техник назоратини ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назора-тини олиб бориш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, лойиҳа ҳужжатларида қабул қилинган техник ечимлар, қури-лиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш соҳаси-да техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар, қурилиш-монтаж ишларининг барча босқичларида уларни амалга ошириш технологияси талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат берган ҳолда қури-лиш объектларини рўйхатдан ўтказиш, қонун ҳужжатларида назарда тутил-ган ҳолатлар бундан мустасно;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйи-ча комиссиялар ишларида мажбурий равишда қатнашиш, яқка тартибдаги уй-жой қурилиши бундан мустасно;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назо-рат қилишни ташкил этиш соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар кири-тиш ва унда қатнашиш;

қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини стандартлаш-тириш ва сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш.

6. Худудий инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги назорат функцияларини бажаради:

аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режала-рига қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилишини шаҳарсозлик тўғриси-даги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандарт-ларига риоя этишлари юзасидан назоратни амалга оширади;

юримдик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда шахарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шахарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этишлари юзасидан назоратни амалга оширади;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

шахарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачининг техник назорати ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назорати ўтказилишини текширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилади;

қурилиш объектида ижро ҳужжатлари юритилишини, шахарсозлик фаолияти субъектларида архитектура-шахарсозлик ҳужжатларини яратиш ва қурилиш соҳасидаги фаолиятни қонун ҳужжатларида назарда тутилган лицензияланадиган турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияларнинг мавжудлигини назорат қилади;

қурилиш объектида норматив-техник ва лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган синовлар, суратга олишлар ва ўлчашлар ўтказилишини назорат қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мураккаблилик (хавфлилик) даражасига қўра объектларда назорат функцияларини амалга оширади;

бинолар, иншоотлар, уларнинг қисмлари ва конструктив элементларининг авария ҳолатларини ва авариялари сабабларини текшириш бўйича техника комиссияларининг ишларида қатнашади;

шартнома асосида мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини уларни тиклаш ёки реконструкция қилишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан текширади ва тегишли хулосалар беради;

қурилиш маҳсулотларининг сифатини таъминлаш, шахарсозликка оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш масалалари бўйича давлат бошқа ваколатли органлари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаштириш ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

шахарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўйган ташкилотларнинг архитектура-шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун ҳамда қурилиш соҳасида фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида Давархитектқурилишга таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда шахарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузади;

қурилиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатлари инсон соғлиғи ва ҳаётига зиён етказилишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб

чиқишига сабаб бўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабар беради;

назорат натижаларини таҳлил қилади, халқаро тажрибани ўрганади, қурилиш сифатини яхшилаш ва қурилиш материалларидан оқилона фойдаланиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

«Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда сифатга оид халқаро талабларга мувофиқ қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини олиб боради;

хар чоракда бажарилган ишлар юзасидан Давархитектқурилиш ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекциясига ҳисоботларни тақдим этади.

3-боб. Ҳудудий инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Ҳудудий инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча қурилишларда, шу жумладан, яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объектларида рухсат берилган ҳужжатлар мавжудлиги ва шаҳарсозлик норма ҳамда қоида талабларига риоя этилаётганлиги борасида, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия билан келишмаган ҳолда, ҳеч бир тўсиқларсиз қисқа муддатли (субъектнинг молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмасдан) инспекторлик текширувлари ўтказиш;

текширувни амалга ошириш жараёнида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш бўйича, зарурият бўлса, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

Ҳудудий инспекцияда рўйхатдан ўтказилган объектларда тўсқинликсиз бўлиш ва назорат функцияларини амалга ошириш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан лойиха, технология ва ижро ҳужжатларини ҳамда қўлланилаётган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

объектлар қурилиши бўйича пудратчиларга конструкциялар, узеллар ва деталларнинг айрим элементларини очишни, тағзаминдаги тупроқни синашни ва қайта ёпиб қўйишни, қўлланилган қурилиш материаллари, буюмлари, конструкцияларини, муҳандислик тизимларини синаб кўришни топшириш, зарурат бўлганда, тегишли хулоса тайёрлаш учун экспертларни, илмий-тадқиқот ташкилотларининг мутахассисларини жалб қилиш;

ўз функционал вазифалари доирасида ташкилотларнинг объектлар қурилиши сифатини назорат қилувчи техник назорат хизматлари ҳамда синов қурилиш лабораториялари ишларини назоратдан ўтказиш;

давлат стандартлари ва техник шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, қурилиш материаллари ҳамда буюмлари ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ва қўлланилишини, норматив талаблар ҳамда тасдиқлан-

ган лойиҳа ечимлари чидамлилиқ, пухталиқ хусусиятлари пасайишига сабаб бўлган даражада бузилганда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг авария хавфи бўлган, объектлар ўзбошимчалиқ билан қурилган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб туриш. Тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш, уларни реализация қилиш ва қўллаш, қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳолатлари мустасно;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузаётган (уларнинг буйруқлари билан тайинланган) мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

лойиҳа бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва тўлиқлиги, қурилиш объектларининг техник ҳолати ҳақида эксперт хулосалари бериш;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда қоидалар бузилган ҳолда топширилган объектларни статистика ҳисоботидан чиқариш тўғрисида статистика органларига тақдимнома киритиш.

8. Худудий инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Худудий инспекция фаолиятини ташкил этиш

9. Худудий инспекцияга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Давархитектқурилиш раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қилади.

10. Худудий инспекция бошлиғи:

Худудий инспекциянинг штат жадвалини Давархитектқурилиш билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

ходимларининг лавозим йўриқномаларини ва функционал вазифаларини тасдиқлайди;

Худудий инспекция ходимларини ишга қабул қилади ва улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади.

11. Худудий инспекция бошлиғининг ўринбосари Давархитектқурилиш раиси билан келишган ҳолда Худудий инспекция бошлиғининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

12. Худудий инспекция инспекторлари ўз функционал фаолиятини Давархитектқурилиш томонидан ҳар уч йилда ўтказиладиган аттестация натижаларига кўра бериладиган сертификатлар асосида амалга оширадilar.

13. Худудий инспекциялар фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобига молиялаштирилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг (қўшилган қиймат солиғидан ташқари):

0,08 фоизи миқдорида — янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича;

0,05 фоизи миқдорида — мукамал таъмирлаш объектлари бўйича;

б) бошқа объектлар бўйича — лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг:

0,01 фоизи миқдорида — мураккабликнинг I тоифасидаги объектлар бўйича;

0,02 фоизи миқдорида — мураккабликнинг II тоифасидаги объектлар бўйича;

0,03 фоизи миқдорида — мураккабликнинг III тоифасидаги объектлар бўйича;

в) қурилиш материалларини сертификатлаштириш, мавжуд бинолар ва иншоотларни тиклаш ёки реконструкция қилиш юзасидан уларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича шартнома асосида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, шунингдек лаборатория хизматлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган хизматларнинг бошқа турларини кўрсатишдан олинган даромадлар.

14. Қурилиш материалларини сертификатлаштириш, мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг, шунингдек лаборатория хизматлари ва Худудий инспекция томонидан кўрсатилаётган хизматлар бошқа турларининг қийматини аниқлаш методикаси Давархитектқурилиш томонидан тасдиқланади.

15. Худудий инспекциянинг шартнома асосида тушадиган даромадларининг 10 фоизи ҳар ойда Давархитектқурилишга ўтказилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

16. Худудий инспекцияни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
10-ИЛОВА

**Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш
худудий консалтинг маркази тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказларининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқларини ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда Давархитектқурилиш деб аталади) таркибига киради, ўз фаолиятида Давархитектқурилишга, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига бўйсунди ва ҳисобот беради.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, ушбу Низомга, ҳамда Давархитектқурилишнинг қарорлари ва буйруқларига амал қилади.

4. Марказ юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамига эга бўлади.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шартнома асосида қурилишда танлов савдоларини ташкилотчи сифатида ташкил этиш ва ўтказиш;
танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилиш;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартномалар тузиш, танлов савдолари шартлари ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишда ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалининг бажарилиши, шунингдек марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган қурилиши тугалланган объектнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши мониторингини олиб бориш;

шартномавий жорий нархни аниқлаш бўйича методологик тавсияларни,

нархларни шакллантиришни янада такомиллаштириш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатнашиш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари нархларини шакллантириш, таҳлил қилиш, уларни қайта ишлаш ва умумлаштириб Давархитектқурилишнинг Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш марказига мунтазам равишда тақдим этиб бориш;

нархларни шакллантириш бўйича янги смета нормативларини яратиш учун бошланғич ахборотларни тўплаш ва дастлабки таҳлил қилиш;

қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш бўйича шаҳарсозлик фаолияти субъектларига консалтинг хизматлари кўрсатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни бажариш.

6. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар билан биргаликда қурилишда танлов савдоларини ўтказиш тартиботини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низом шартлари ва талабларига риоя қилган ҳолда танлов савдолари предметига қўйиладиган танлов ҳужжатларини ишлаб чиқади;

шартнома асосида қурилишда танлов савдоларини ташкилотчи сифатида ташкил этади ва ўтказади;

танлов савдоларини ташкил этади ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилади;

аризалар ва оферталар қабул қилинишини ташкил этади, уларнинг ҳисобга олинишини, сақланишини ва махфийлигини таъминлайди;

танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Давархитектқурилишга тақдим этади;

танлов ҳужжатларида белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон бериш учун материалларни тайёрлайди ва/ёки потенциал талабгорларга таклифномалар юборилишини таъминлайди;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачи томонидан жалб қилинадиган мустақил экспертлар ёки консультантлар ишини ташкил этади;

оферталар очилгандан кейин уларни буюртмачига беради;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачига танлов савдолари яқунлари бўйича буюртмачи ҳисоботини тузишда кўмаклашади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачи ва объектлар қурилиши бўйича пудратчи томонидан тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб боради ҳамда танлов савдолари ва танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар бажарилиши мониторинги натижалари тўғрисида Давархитектқурилишга ойлик ҳисоботни тақдим этади;

семинарлар ўтказади, кадрларни танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тасдиқланган тартиботини, танлов савдолари натижалала-

ри бўйича тузилган шартномалар шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши мониторингини амалиётда қўллаш бўйича ўқитади;

капитал қурилишда иқтисодий ва ташкилий ислохотлар амалга оширилиши, қурилиш материаллари, алоҳида ва махсус ишлар нархларининг, қурилиш механизмларини ишлатиш ва қурилиш юкларини ташиш, тайёр қурилиш маҳсулоти харажатлари ўзгариши мониторингини олиб боради;

ўз ваколатлари доирасида инвестиция жараёни қатнашчилари ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади, улар юзасидан қарорлар тайёрлайди ва белгиланган тартибда Давархитектқурилишга ёки тегишли органларга киритади.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан ва бошқа ташкилотлардан ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш мақсадида қурилишнинг боришини ўрганиш;

қонун ҳужжатларини ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низом талабларини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачига хизматларни сотиб олишни тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг лойиҳалаштириш, илмий-тадқиқот ташкилотларини ва бошқа ташкилотларини, олимлар ва мутахассисларни улар меҳнатига қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаган ҳолда, белгиланган тартибда ишга жалб қилиш.

8. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

9. Марказга Давархитектқурилиш раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

10. Марказ директори:

Марказга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Давархитектқурилиш билан келишган ҳолда Марказнинг штат жадвалини тасдиқлайди;

Марказ фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича барча органларда ва ташкилотларда Марказ номидан вакиллик қилади;

Марказ ходимларини ишга қабул қилади ва улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

11. Марказ ўзининг хўжалик фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

12. Қўйидагилар:

шартнома асосида танлов ҳужжатларини ишлаб чиққанлик, қурилишда танлов савдоларини ташкил этганлик ва ўтказганлик;

нархларни шакллантириш, шартнома асосида савдо мавзунинг дастлабки қийматини аниқлаш масалалари бўйича консалтинг хизматлари кўрсатганлик;

қурилиш соҳасида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган хизматларнинг бошқа турларини амалга оширганлик учун олинадиган даромадлар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.


13. Марказ ҳар ойда Давархитектқурилишнинг ҳисоб рақамига ўз даромадларининг 10 фоизи миқдорида маблағ ўтказади.

5-боб. Яқунловчи қоида

14. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
10а-ИЛОВА

**Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш
худудий консалтинг марказининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 13.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 августдаги 571-сон қарорига
11-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда) 2 ва 5-бандлари, шунингдек қарорга 4, 5, 5а, 5б, 6 ва 6б-иловалари.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда) 1-илованинг 51-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилишда муҳандислик кидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 6 февралдаги 14-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-7-сон, 33-модда) 6-илованинг 4-банди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПК-186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда) илованинг 38-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиха-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПК-847-сон қарори)» 2008 йил 10 июндаги 120-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 6-сон, 27-модда) илованинг 2-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳамда шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил 11 ноябрдаги 294-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Вазирлар Маҳкамасининг «Республика лойиха-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 23 мартдаги 50-сон қарори)» 2010 йил 13 майдаги 90-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 20-модда) илованинг 3 ва 5-бандлари.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда) илованинг 28-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиботлари ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 29 июлдаги 222-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 67-модда) 1-банди, 2-илоvasи, шунингдек 4-илованинг 2-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли ташкилотлар билан келишиш, шунингдек қурилиш соҳасида рухсатномалар бериш тартиботларини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 4 июндаги 154-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 35-модда) 5-банди, шунингдек қарорга 3-илова.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»

2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонунлари) 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда) 1-илованинг 64-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 3 мартдаги ПҚ–2137-сон қарори) 2014 йил 30 апрелдаги 108-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 40-модда) илованинг 2-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–396-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни)» 2016 йил 28 апрелдаги 129-сон қарорига 1-илованинг 2, 3 ва 5-бандлари.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарори) 2016 йил 23 майдаги 166-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 41-модда) илованинг 1-банди.